

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 18 июль, № 139 (5813) Пайшанба


# Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!



*Куни кеча Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил биринчи ярим йиллиги якунларига бағишланган мажлисида 2013 йил январь — июнь ойларида мамлакатимизда маҳаллийлаштирилган маҳсулот тайёрлаш ҳажми 36,1 фоизга кўпайгани, бу ички талабни мутаносиб рағбатлантириш ҳамда маҳаллий товар ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кўрилаётган изчил чора-тадбирлар натижаси эканлиги алоҳида қайд этилди.*

**Маҳаллийлаштириш дастури:**

## Имконият, салоҳият ва истиқбол



**Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган**

Дарҳақиқат, ички бозорни импорт ўрнини босувчи ва рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдиришда маҳаллий ишбилармонларимиз томонидан ҳаётга татбиқ этилаётган истиқболли лойиҳаларнинг аҳамияти беқиёс. Хусусан, Маҳаллийлаштириш дастури доирасида иш юритаётган кўплаб корхоналар айни пайтда юртимизда соҳа вакилларига яратилган имконият ва имтиёзлардан оқилона фойдаланиб, ўз фаолиятини тобора кенгайтириб бораётир.

Қўқон шаҳридаги "Автосаноат комплект" корхонаси — ана шундай илғор ишлаб чиқариш субъектларидан бири. Бу ерда асакалик автомобилсозлар буюртмаси асосида дастлаб 22 турдаги эҳтиёт қисмлар тайёрланган бўлса, ўтган қисқа муддатда маҳсулотлар тури 70 дан ортиб кетди. Айниқса, корхонанинг "Спарк" автомобиллари учун мўлжалланган 64 турдаги бутловчи қисмлари маҳаллий ва хорижий харидорларга манзур бўлаяпти. Шунингдек, яқиндан бошлаб "Дамас", "Кобальт" автомашиналари учун зарур деталлар ҳам шу ерда ишлаб чиқарила бошланди.

— Илгари бундай маҳсулотлар Жанубий Кореянинг "Хин" компаниясидан харид қилинар эди, — дейди корхона раҳбари Аъзамжон Сулаймонов. — Бу эса, табиийки, катта миқдорда сарф-харажат ҳамда ортиқча оворагарчиликларни келтириб чиқарарди. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида корхонамиз фаолияти йўлга қўйилгач, бундай муаммолар ўз ечимиини топди. Ҳозир мазкур дастур доирасида ойига 180-200 минг АҚШ долларини тежаб қолаяпмиз.

(Давоми 2-бетда).

## Истиқлол сурури

*Ёшим саксон бирда. Умрим далада ўтди. Кўп йиллар бригадир бўлиб ишладим. Ҳаётнинг пасту баландини кўрдим.*

### КИМ ЭДИГ-У, КИМ БЎЛДИК?

*Ҳеч кўз олдимдан кетмайди: бўсағамизгача пахтазор эди. Қўшниникига пайкал оралаб борардик. Рўзғордаги қора қозонимизнинг қайнаши ҳам, турмуш-турмушимиз ҳам пахтага боғланганди. Бола-чақа ташвишидан ҳам кўра, кўп минг тонналик ҳосил етиштиришга мажбур эдик. Нимасини айтай, кечалари уйқум қочиб кетарди. Беш нафар фарзандимнинг тақдирини ўйлаб сиқилардим. "Уларни қандай катта қиламан, қандай ўқитаман, қандай уйли-жойли қиламан", деган оғир саволлар ҳеч тинчлик бермасди. Қарангки, мустақиллик арафасида Президентимизнинг аҳолига томорқа ерлари ажратиш тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Бу эртанги кунимиз ҳақидаги фикрларимизни нурлантириб юборди. Шундан сўнг рўзғоримизга барака кирди, оғзимиз ошга етди.*

*Бугун ўғилларимдан бири фермер, иккинчиси тадбиркор, бири аҳолига транспорт хизмати кўрсатувчи корхонада ишчи. Қизларимнинг бари ҳунарнинг этагидан тутган. Бундан ташқари, ўн сотих томорқамиздаги боғдан йилига 3-4 тонналаб ҳосил олаяпмиз. "Нексия"миз ҳам шу даромадимиз ортидан-да.*

*Ўзимга ўзим савол бераман: ким эдиг-у, ким бўлдик? Ҳузур-ҳаловатда, роҳат-фароғатда ўтаётган ёруғ кунлар оғушидамиз. Бу ёғига белни маҳкам боғлаб, ниятни пок қилиб яшайверсак, бас.*

**Раҳмон ОЛТИБОЕВ,**
**пенсионер.**
**Музработ туманидаги Сополлитепа маҳалласи.**

## ДУНЁ НИГОҲИ

*Швейцарияда чоп этиладиган "Diva International" журналида Женевадаги Миллатлар саройида бўлиб ўтган "Ўзбекистон обидаларидаги дурдона битиклар" альбом-китобининг тақдимоти, шунингдек, мазкур тўпламга киритилган фотосуратларнинг кўргазмаси мавзуига бағишланган мақола эълон қилинди.*

### «Diva International» Ўзбекистон обидаларидаги дурдона битиклар ҳақида

Унда Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги доимий ваколатхонаси томонидан "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда БМТ Женева бўлими билан ўзаро ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда хорижий мамлакатлар дипломатия миссиялари, халқаро ташкилотлар, Швейцариянинг ижтимоий-сиёсий ва ишбилармон доиралари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

"Ўзбекистоннинг ажойиб меъморий обидаларида акс этган хаттотлик ёзувларининг энг яхши намуналаридан иборат ушбу фотокўргазма тадбир иштирокчиларида мамлакатнинг бой тарихий ва маданий меросига нисбатан катта қизиқиш уйғотди, — деб ёзади "Diva International". — "Сато" гуруҳининг анъанавий куйларни жаз ва рок мусиқалари билан уйғунлаштирган этно-фьюжн йўналишидаги ажойиб чиқиши, шунингдек, ўзбек миллий таомлари меҳмонларга ҳақиқий ўзбекона меҳмондўстликдан баҳраманд бўлиш имконини бергани ҳолда, тадбирга ўзгача шукуҳ бахш этди".

Мазкур кўргазма чоғида унинг ташкилотчилари ва меҳмонлари билдирган фикр-мулоҳазалар ҳам мақолада ўз ифодасини топган.

"Бир неча йиллар мобайнида етук мутахассис ва олимлар томонидан нашрга тайёрланган "Ўзбекистон обидаларидаги дурдона битиклар" альбом-китоби Ўзбекистонда тарихий-маданий ва маънавий қадриятларга, уларни асраб-авайлашга қаратилаётган жиддий эътиборнинг ёрқин ифодасидир", деб ёзилади мақолада.

"Diva International" журналининг қайд этишича, тадбирда сўзга чиққан **БМТнинг Маданият масалалари бўйича қўмитаси раиси Давид Чикваидзе** ушбу кўргазма Ўзбекистон заминидаги ажойиб ва бетакрор гўзаллиги билан кишини мафтун этадиган шаҳарлар бўйлаб фотосуратлар воситасидаги ўзига хос "саёҳат" сифатида хотираларда муҳрланиб қолишини айтди.

(Давоми 2-бетда).

## хабарлар

**Янгиликлар, воқеалар,**

### Навбат — янги лойиҳага

*Фориш туманида "Wave of Ocean" хусусий корхонаси фаолият бошлаши билан 15 нафар қишлоқ хотин-қизи бандлиги таъминланди.*

— Йилига 350 минг дона трикотаж маҳсулоти тайёрлаш қувватига эга корхонамизни ишга тушириш учун хориждан 18 та замонавий тикув дастгоҳи олиб келиб ўрнатдик, — дейди тадбиркор Турсунали Синдоров. — Бир неча турдаги дастлабки тикув маҳсулотларимиз эса буюртмачиларга манзур бўлди. Келгусида бу ерда жундан гилам тўқишни йўлга қўймоқчимиз.

**Улуғбек АДИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Илғор телекоммуникация қурилмалари

*"Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси ҳамда Ҳиндистоннинг "Olive Telecommunication Pvt. Ltd" компанияси ҳамкорлигида лойиҳа қиймати 1,5 миллион АҚШ долларилик "Olive Telecom" қўшма корхонаси фаолияти йўлга қўйилди.*

Ҳозир бу ерда стационар телефон, мобиль телефон, планшет ва модем каби телекоммуникация қурилмалари ишлаб чиқарилмоқда. Корхонага ўрнатилган технологияларнинг барчаси компьютерлаштирилган бўлиб, улар 20 нафарга яқин маҳаллий мутахассислар томонидан бошқарилаяпти.

Корхона раҳбари Ойбек Мамановнинг таъкидлашида, бу ерда йилига 100 минг донадан зиёд маҳсулот тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилади.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Тадбиркорнинг қандолатлари

*Хўжайли тумани марказида йилига 70 тонна қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган яна бир янги корхона ишга туширилди.*

— Банкнинг 75 миллион сўмлик кредитидан самарали фойдаландик, — дейди тадбиркор Гулнора Ерниязова. — Айни пайтда 12 кишилик жамоамиз томонидан ойига 10 миллион сўмликдан зиёд беш хил қандолат маҳсулотини ишлаб чиқараяпмиз. Улар илғор технологиялар асосида тайёрланаётгани сабабли ички бозорда талаб тобора ортиб бораяпти. Шундан келиб чиқиб, келгусида фаолиятимизни янада кенгайтиришни режалаштираяпмиз.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Лазер сайқал беради

*Наманган шаҳридаги "Спектр ОАА" хусусий корхонасида лазер усулида ишлов берилаётган ўнлаб турдаги ойналар буюртмачиларга манзур бўлмоқда.*

Турли русумдаги автомобиллар, мебель ва бошқа жиҳозлар учун мўлжалланган бундай маҳсулотлар сифати юқорилиги билан ажралиб туради. Айни пайтда ички бозор талабларидан келиб чиқиб, корхонада навбатдаги истиқболли лойиҳа амалга оширилмоқда.

— 405 минг АҚШ долларилик сармоя эвазига Хитойдан янги дастгоҳ ва ускуналар олиб келаяпмиз, — дейди лойиҳа ташаббускори Аповен Оганесян. — Улар ишга туширилгач, савдо тармоқлари ва бошқа иншоотлар учун йирик ҳажмдаги витрина ойналари тайёрлаш ўзлаштирилади ҳамда ишлаб чиқариш ҳажми ойига саккиз минг квадрат метрга етади. Бу кўрсаткич Фарғона водийсидаги истеъмолчиларнинг шу турдаги маҳсулотга бўлган эҳтиёжига тенгдир.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ДИЛ СЎЗИ

*Президентимизнинг республикамиз ғаллакорларига йўллаган табриги барча деҳқон ва фермерларнинг қалбини қувончга тўлдирди.*

### Юксак хирмон баракаси

Бизнинг камтарона меҳнатимизни юксак баҳолаб, "фидокорона ва ҳалол меҳнатингиз учун ўз номимдан, бутун халқимиз номидан таъзим қиламан" деган сўзлари қалбимизга чўғ солди. Мустақил Ватанимизда ҳеч бир хизмат бесамар, беиз кетмаслигига яна бир карра амин бўлдик.

Бизнинг "Ҳосил" фермер хўжалигимиз тасарруфида 86,6 гектар экин майдони бўлиб, жорий йилда унинг бир қисмида ғалла майсаларини парваришладик. Давлатга шартнома режасидагидан кўп, 125 тонна дон сотдик. Бунинг учун атиги 12,3 гектар майдондаги ҳосилнинг ўзи кифоя қилди. Қолган 15,7 гектар майдондан ўриб-янчиб олинган 185 тонна ғалла ўзимизга қолди. Бу — фермер хўжалигимизда доимий ишлайдиган 25 нафар ишчи-ходимнинг уйи донга тўлди, деганидир.

(Давоми 2-бетда).



## Барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланмоқда

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**2013 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунларига кўра, республикамизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши**

**8 фоизни ташкил қилди.**

Президентимиз раҳбарлигида ишлаб чиқилган мамлакатни ислоҳ қилиш ва ривожлантиришнинг самарали стратегияси изчил ҳамда аниқ мақсадни кўзлаб амалга оширилиши туфайли глобал иқтисодиётда мавжуд бўлган жиддий муаммоларга қарамай, Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг ана шундай юқори суръатларини ва макроиқтисодий барқарорликни сақлаш таъминланмоқда.

# Истиқлол сурури

*Корхонамиз очилганига икки йилдан ошди. Бугун жамоамизда 45 нафар ишчи-мутахассис меҳнат қилаяпти. Ўзимизнинг болалар-да, бари зукко, тиришқоқ, илмли.*

## ФАРОҒАТЛИ ҲАЁТ ЗАВҚИ

*Замонавий технологик ускуналарни моҳирлик билан бошқараётганини кўрсангиз, ҳавасингиз келади. Маҳсулотларимизга ҳатто хориждан ҳам буюртмалар тушаяпти.*

*Очиғи, тадбиркорлар юртни бой, одамларни ишли қилиш истагида меҳнат қилмоқдалар. Бир режа ўйласак, ҳамма кўмак беришга шай. Имтиёзу имконият десангиз, давлатимиз барини муҳайё қилиб қўйибди.*

*Яқинда Пайариқ туманига тўйга бордик. Касбимизни сўраб-билгач, бир отахон гилам мавзусидан сўз очиб қолди. "Авваллари шолча-бўйрадан нарига ўтмасдик. Қўлда тўқилган гиламлар-ку ўта камёб эди. Шунданми, уларни авайлаб, кўз-кўзлаб деворга осиб қўярдик. Ҳозир ҳар бир хонадон остонасида ўзимизда тайёрланган гиламлар. Ял-ял ёниб турибди. Мана, ўзим ҳам сизларнинг гиламларингиздан биттасини тўйга тўёна, деб олиб келдим. Қўлларингиз асло дард кўрмасин".*

*Ишхонага келиб, ўйга толдим. Ахир булар истиқлол неъмати, барокати, тўкин-сочинлик нишонаси-ку! Шундай даврда янада ғайрат-шижоат кўрсатиб ишлагинг келади. Назаримда, мустақиллик — хуш кайфият, хурсандчилик, фаровонлик, деганидир.*

**Феруз ҒАНИЕВ,**
**Самарқанд туманидаги «Азия Карпет» қўшма корхонаси иш бошқарувчиси.**

## БАНДЛИК

*Бугун ёш авлодга замон талаблари даражасида таълим бериш билан бир қаторда, уларни келгусида муносиб иш ўринлари билан таъминлаш ҳам долзарб вазифага айланган. Бунда ўқув муассасаси — битирувчи — иш берувчи ўртасида тузилган уч томонлама шартномалар, айниқса, қўл келаётир.*

# КАФОЛАТЛИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Биргина касб-ҳунар коллежлари мисолида сўз юритадиган бўлсак, айни пайтда ушбу билим масканларини тамомлаган ёшларнинг аксарияти аввал ўзлари амалиёт ўтаган корхоналарда мутахассис сифатида фаолият юритаётганига гувоҳ бўламиз. Бинобарин, тижорат банклари томонидан битирувчиларга имтиёзли кредитлар ажратилиши уларнинг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишларида катта кўмак бўлаяпти. Бу коллежларни тугатган ўғил-қизларнинг иш жойи кафолатланганидан далолатдир.

Самарқанд вилоятида ҳам бу борада ибратли ишлар амалга оширилаётир. Хусусан, 2012/2013 ўқув йилида ҳудуддаги 158 та касб-ҳунар коллежини 102 та мутахассислик бўйича 60 минг 794 нафар йигит-қиз тамомлади. Ҳозирги кунга қадар уларнинг иш билан таъминланиши учун барча чора-тадбирлар белгиланган. Хусусан, 46452 нафар ёшнинг ота-онасига фарзандининг кафолатли иш жойига эга бўлиши ҳақида сертификатлар топширилди. 57 минг 971 нафар битирувчи уч томонлама шартномаларга мувофиқ, амалиёт ўташ ва кейинчалик ишга жойлашиш учун вилоятдаги корхона ва ташкилотларга бириктирилди. Бундан ташқари, яқинда вилоят ҳокимлиги, прокуратура, ҳокимлик ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки вилоят бошқармаси, вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамкорлигида "Мустақиллик бунёдкоримиз" шиори остида ўтказилган тақдимот маросимида битирувчилар ўз билим ва салоҳиятини намоён этиб, бўлажак меҳнат жамоаларини танладилар.

Эътиборли жиҳати, бундай хайрли ишлар изчил давом эттирилаяпти. Айниқса, касб-ҳунар коллежларини тамомлаган ёшларга тадбиркорлик фаолиятини бошлашлари учун тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар ажратилаётгани таҳсинга сазовор. Жумладан, жорий йилда бундай имкониятдан фойдаланиш истагини билдирган 8699 нафар йигит-қизнинг рўйхати шакллантирилиб, Марказий банкнинг вилоят бошқармасига тақдим этилган бўлса, шу кунга қадар улардан 4283 нафари 11 миллиард 670 миллион сўмлик кредит билан таъминланди.

— Бу йил коллежимизни 398 нафар ўқувчи тамомлади, — дейди Самарқанд банк коллежи директори ўринбосари Одил Тиллаев. — Шундан 68 нафари имтиёзли кредит олиш учун ўз бизнес лойиҳасини топширди. Ҳозир улардан 37 нафари кредит олиб, аллақачон тадбиркорликни бошлаб юборган.

— Бугун касб-ҳунарли ёшларнинг иш жойи тайин, — дейди ушбу коллеж битирувчиси Нурсалим Умаров. — Бунинг учун давлатимиздан, Юртбошимиздан жуда миннатдормиз. Мана, уч йил давомида олган билимларим бесамар кетмади. Машғулотлар жараёнида ўрганганларимга таяниб, ўз бизнес лойиҳамни тузгандим. У вилоятда ўтказилган танловда биринчи ўринга муносиб топилиб, "Микрокредитбанк" томонидан ажратилган 56 миллион сўмлик имтиёзли кредит ҳисобига молиялаштирилди. Натижада илғор технологиялар ёрдамида иккиламчи хом ашёни қайта ишлаб, полиэтилен маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Келгусида янги-янги лойиҳаларни рўёбга чиқариб, тенгдошларимдан кўпчилигини ишга жалб қилмоқчимиз.

— Коллежимизни битираётган 577 нафар ўқувчидан 91 нафари тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирди, — дейди Самарқанд иқтисодиёт коллежи директорининг касбий таълим бўйича ўринбосари Суюн Қўчқоров. — Имтиёзли сармоялар ажратишдан аввал банк мутасаддилари уларга бизнесни йўлга қўйиш тартиб-тамойиллари, фаолият давомида юз бериши мумкин бўлган иқтисодий хатарлар ҳақида батафсил маълумотлар беришди. Ҳозир улардан кўпчилиги тадбиркор. Масалан, битирувчиларимиздан Амиржон Маҳмудов "Микрокредитбанк"нинг 25 миллион сўмлик кредити эвазига тикувчилик цехи очиб, 8 кишини иш билан таъминлаган бўлса, Фаррух Абдураҳимов "Қишлоқ қурилиш банк"нинг 40 миллион сўмлик имтиёзли сармояси асосида 6 кишилик меҳнат жамоаси билан савдо соҳасида фаолият бошлади. Қувонарлиси, бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Албатта, эътибор, имтиёз, рағбат — юксак муваффақиятларнинг пойдеворидир. Зеро, аҳоли бандлиги турмуш фаровонлигининг бош мезони саналади. Шундан келиб чиқиб, бугунги кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Самарқанд вилоятида ҳам касб-ҳунар коллежларини битирган ёшларнинг жамиятдан муносиб ўрин топишига нафақат маҳаллий ҳокимлик, прокуратура, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, Марказий банк ҳудудий бошқармалари, балки кенг жамоатчилик вакиллари ҳам жиддий масъулият билан ёндашмоқдалар. Бунинг амалий самараси эса катта ҳаётга қадам қўйиб, ўз оиласи, рўзғорига барака киритаётган йигит-қизларнинг бахтиёрлигида яққол намоён бўлаяпти.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# Юксак хирмон баракаси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ҳисоб-китобларимизга кўра, ҳосилдорлик гектарига 110 центнерданга тўғри келаяпти. Очиғини айтиш керак, бундай юксак натижани фақат деҳқон меҳнатининг самараси, деб баҳолаш масалага бир томонлама ёндашишдир. Негаки, қўлга киритилган муваффақиятнинг бошқа муҳим омиллари ҳам бор.

Бир мисол. Экин майдонларимиз ёнидан катта зовур ўтган эмасми, унинг йиллар давомида тозаланмаслиги оқибатида ер ости сизот суви сатҳи кўтарилиб, тупроқ унумдорлиги пасайиб кетган эди. Президентимизнинг тегишли Фармон ҳамда қарорларига мувофиқ, кейинги йилларда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида бизнинг туманимизда ҳам салмоқли ишлар бажарилди. Хусусан, хўжалигимизда 9700 метр масофадаги зовур тозаланди. Пировард натижада ер унумдорлиги ошиб, ғалла ҳосилдорлиги кейинги олти йил ичида 33 центнерга кўтарилди.

Бугун улкан ғалла хирмонимизга боқиб, кўнглимиз юксалгандан юксалаяпти. Бундай пайтда мавсум давомидаги чарчоқлар ҳам чиқиб кетар экан. Зўр кайфият ва катта иштиёқ билан келгуси йил режаларини тузаяпмиз. Деҳқончиликда танаффус бўлмайди-да.

**Аваз ҲОСИЛОВ,**
**Каттақўрғон туманидаги «Ҳосил» фермер хўжалиги раҳбари, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби.**

*Жорий йилда етиштирилган жами ғалла ҳосилининг қарийб 50 фоизи ёки*

**3524000**

**тоннаси**

*фермер хўжаликлари ихтиёрида қолдирилгани деҳқонларнинг омборлари донга, рўзғорлари қут-баракага тўлиб бораётгани, улар ўз меҳнатидан катта манфаат кўраётганининг ёрқин далили бўлди.*

# «Diva International» Ўзбекистон обидаларидаги дурдона битиклар ҳақида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давид Чикваидзе фикрича, бўлиб ўтган тадбир аждодлар илдизи ва тарихини англаб етишга, эпиграфикани эса меъморий обидаларда ажойиб тарзда ифодаланган битиклардаги муқаддас матнлар, фалсафий фикрлар ҳамда чуқур маънавий ҳикматлар маъносини ифодалаб берувчи восита сифатида қабул қилишга имкон беради. Д. Чикваидзе Женевадаги Миллатлар саройида ўтказилган ушбу китоб тақдимоти ва кўргазмага юқори баҳо берар экан, "Кўргазма бутун дунёга инсониятнинг маданияти, мероси ва тарихига бўлган умумий масъулиятни эслатади", дея таъкидлади.

Хусусан, **Женева дипломатия клубининг президенти Роберт Блум** бўлиб ўтган мазкур тадбир юртимиз бўйлаб сафарларини яна бир бор ёдига солганини маълум қилди.

— Ўзбекистон дунёдаги энг ажойиб ўлкалардан бири сифатида менда унутилмас таассурот қолдирди, — дейди у. — Ўзбек халқ миллий мусиқаси Ўзбекистоннинг маданий ўтмиши ва бугунини ўзида мужассам этган. Кўргазма чоғида ўз кўзим билан кўрган Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент сингари қадимий шаҳарларнинг тарихий манзарасидан яна бир бор завқландим. Ўзбек халқ санъати, жумладан, миллий мусаввирлик, миллий каштачилик ўзгача завқ бағишлагани ҳолда, кишини оҳанрабодек ўзига ром қилади.

Юқоридагилардан ташқари, мазкур мақолада хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар бир неча вакилларининг интервьюлари ҳам қаламга олинган. Улар бўлиб ўтган тадбир маънавий теранлик ва кўтаринки руҳга бой ва у маданиятлар ҳамда тараққиётлар ўртасидаги мулоқотнинг ҳақиқий ифодаси бўлгани ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини билдиришган.

**«Жаҳон» АА.**
Женева

**Маҳаллийлаштириш дастури:**

# Имконият, салоҳият ва истиқбол

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қолаверса, жамоамиз сафига қўшилган 70 дан зиёд ёш ишчи-мутахассис доимий даромад манбаига эга бўлганидан мамнун. Айни пайтда улар илғор ускуна ва дастгоҳларни моҳирлик билан бошқаришмоқда.

Корхона раҳбарининг айтганича бор. Зеро, ишлаб чиқариш тармоқларида қўлга киритилаётган ютуқларнинг асоси нафақат замонавий технологиялар, балки мутахассислар билим ва салоҳиятига ҳам боғлиқ. Шундан келиб чиқиб, ўтган йили "Автосаноат комплект"га Қўқон шаҳридаги автотранспорт коллежини тамомлаган 22 нафар ёш ишга қабул қилинди. Жорий йилда эса улар сафига мазкур коллежнинг яна 12 нафар битирувчиси қўшилмоқда.

Айни пайтда корхона мутасаддилари мустақиллигимизнинг 22 йиллигига муносиб туҳфа ҳозирлаш ҳаракатида. Гап шундаки, ҳадемай, бу ерда навбатдаги истиқболли лойиҳа рўёбга чиқарилиб, "Спарк" автомобиллари учун яна 5 турдаги бутловчи қисм ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Бу эса пировардида автомобилсозлик корхоналари учун қўшимча қулайликлар ҳамда 14 та иш ўрни яратилишини таъминлайди.

**Набижон СОБИРОВ,**
**Шомурот ШАРАПОВ (суратлар),**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**



# Замонавий агротехнологиялар афзаллиги

*Президентимизнинг куни кеча мамлакатимиз ғаллакорларига йўллаган табригини ўқиб, кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Энг қувонарлиси, унда бизнинг "Тасмачи иқболи" фермер хўжалигимиз номи ҳам юқори самарадорликка эришган, гектаридан 100 центнердан ошириб ҳосил олган илғор жамоалар қаторида алоҳида тилга олинди.*

Ўша пайтдаги ҳаяжонимизни кўрсангиз эди... Хўжаликда елкама-елка меҳнат қилаётган ҳар бир кишининг қалби фахр-ифтихор туйғуларига лиммо-лим эди.

Дарҳақиқат, бу йил давлатга 118 тонна буғдой сотдик. Яна шунчаси эса ёнимизда қолди. Ҳосилдорлик гектарига ўртача 100 центнердан ҳам ошиб кетди. Бу давлатимиз раҳбарининг табригида қайд этилганидек, фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб берилгани, уни мустаҳкамлаш ва тараққий эттириш учун ҳуқуқий, ташкилий ва молиявий замин яратилгани, қишлоқ мулкдорлари ҳар томонлама рағбатлантириб, қўллаб-қувватланган самарасидир.

Халқимизда "Меҳнатнинг таги — роҳат" деган пурмаъно мақол бор. Биз ҳам яратиб берилган шарт-шароитлардан оқилона фойдаланган ҳолда, фидокорона меҳнат қилиб, мана, роҳатини кўраяпмиз. Биргина ғаллачилик мисолида айтадиган бўлсак, ҳосилдорлик йил сайин кўтарилмоқда. Айтайлик, ўтган йили ҳар гектар буғдойзордан 70-75 центнердан ҳосил йиғиштириб олган бўлсак, жорий йилда замонавий ва интенсив агротехнологияларни қўллаш, экинни озиқлантиришда маҳаллий ва минерал ўғитлардан унумли фойдаланишимиз натижасида юксак муваффақиятга эришдик.

Омборимиз чинакамига донга тўлди. Ишчи-мутахассисларимизнинг ҳар бирига 2-3 тоннадан буғдой улашдик. Қолгани ҳам чакана эмас. Бу — мўмай даромад деганидир. Ғаллачилик тармоғидан кўриладиган фойда ҳисобидан қишлоғимизда бунёд этилаётган намунавий лойиҳа асосидаги уй-жойлардан бирини сотиб олмоқчимиз.

**Шомирзо ҚАҲҲОРОВ,**
**Хатирчи туманидаги «Тасмачи иқболи» кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари.**

# Омборлар донга тўлди

*Мустақил юртимизнинг юксак ғалла хирмони! Бу сўзни ғурур ва ифтихор билан қайта-қайта тилга олгимиз келаверади. Сабаби, истиқлол шарофати туфайли барчамизга ҳар гарди азиз бўлган она тупроғимиз бемисл барака булоғига айланди.*

Заминимизда етиштирилаётган ғалла салмоғи йил сайин ортиб, ички эҳтиёжни таъминлабгина қолмай, балки узоқ-яқин юртларга экспорт ҳам қилинаяпти.

Бугун қайта ишлаш корхоналарининг омборлари буғдойга тўлди. Бу соҳа вакилларидан янгича куч, янгича шижоат билан ишга киришишни тақозо қилаяпти. Бизнинг корхонамиз жамоаси ҳам ғаллакорлардан 18 минг тоннадан ортиқ сара дон қабул қилиб олди. Эндиги вазифамиз ана шу катта меҳнат, катта заҳмат эвазига етиштирилган ҳосилни асраб-авайлаб, сифатли қайта ишлаш ва халқимиз дастурхонига етказиб беришдан иборат. Мавсумга пухта ҳозирлик кўрилиб, кенг кўламдаги модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ишлари бажарилгани бу вазифани аъло даражада уддалаш имконини беради, албатта.

Йил сайин ошиб бораётган ҳар бир килограмм, ҳар бир центнер ғалла замирида қанча машаққат, тинимсиз изланишлар мужассам. Буни чуқур ҳис қилган ҳолда, янада катта масъулият билан ишлаяпмиз.

**Ботиржон РАҲМАТУЛЛАЕВ,**
**Боғот туманидаги «Боғот дон» акциядорлик жамияти бош муҳандиси.**

## 2013 ЙИЛ — ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

*Гулистон шаҳри остонасига қадам қўяр экансиз, энг аввало, темир йўл устидан ўтган кўприк пойидаги ажиб лавҳа эътиборингизни тортади. Бу ерда футбол бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатларининг сирдарёлик иштирокчилари ҳамда шахмат бўйича ўн тўрт карра Ўзбекистон чемпиони, Осиё турнирлари ғолиби ва совриндори, Зулфия мукофоти соҳиби Сарвиноз Қурбонбоева сурати акс эттирилган. Албатта, ана шу хушнуд чеҳралар шаҳарга ташриф буюраётган ҳар бир ҳамюртимиз қалбига ўзгача ғурур ва ифтихор бағишлаши баробарида, Гулистон спорт ва ёшлар шаҳрига айланиб бораётганини намоён этади.*

**Гулистон:**

# ЁШЛИК ВА КАМОЛОТ ШАҲРИ

Аслида ҳам шундай. Суратдан узоқлашмаёқ бу фикрнинг исботини топасиз. Мана, эллик қадамча нарида, йўлнинг чап томонида муҳташам "Алпомиш" спорт мажмуаси қад ростлаб турибди. Бу ердан мўъжазгина теннис корти, мини-футбол майдони, Шарқ яккакурашлари ҳамда бошқа спорт турлари бўйича машғулот ва мусобақалар ўтказишга мўлжалланган замонавий заллар ўрин олган. Мажмуа 2009 йилда, Гулистонда бўлиб ўтган "Умид ниҳоллари" мусобақаларига тайёргарлик доирасида тубдан реконструкция қилингач, янада салобатли қиёфа касб этди. Айни пайтда ана шу кўркам маскан нафақат йирик спорт беллашувлари, балки турли фестиваллар, кўрик-танловларга ҳам мезбонлик қилмоқда.

Дарвоқе, бундан тўрт йил муқаддам Сирдарёда бўлиб ўтган "Умид ниҳоллари" ўйинларини бежиз эсга олмадик. Чунки ушбу беллашувлардан сўнг Гулистон мамлакатимиздаги нуфузли мусобақалар ўтказиладиган том маънодаги йирик спорт марказларидан бирига айланди. Энг муҳими, шаҳарда ўғил-қизларнинг маънан баркамол, жисмонан соғлом вояга етишлари учун кенг имкониятлар яратилди. Рақамларга мурожаат қилайлик. Бугун Гулистонда 181 та спорт иншооти ва майдончаси ёшлар ихтиёрида. Олтита спорт мактаби фаолият юритмоқда. Уларда 13 минг 160 нафар ўғил-қиз спортнинг ўнлаб турлари бўйича машғулотларда қатнашаяпти. Қолаверса, ёшлар орасида спортсевар қизлар ҳам талайгина. Таққослаш учун бир мисол. Жорий йилнинг дастлабки чорагида спортга жалб қилинган 9 минг 890 нафар ёшнинг 3890 нафарини қизлар ташкил этган бўлса, ҳозирга келиб, улар сони 5996 нафарга етган. Бу хотин-қизлар ўртасида ҳам спорт тобора оммалашиб бораётганидан далолат беради.

Албатта, эътибор ва рағбат катта-катта муваффақиятлар сари йўл очади. Сирдарёлик ёшлар ҳам давлатимиз томонидан яратиб берилаётган бундай беқиёс имкониятлардан самарали фойдаланиб, кўплаб соҳаларда салмоқли ютуқларга эришмоқда. Биргина жорий йилнинг ўтган даврида гулистонлик ёш спортчилардан 157 нафари республика мусобақаларида, бир нафари Осиё биринчилигида совринли ўринларни қўлга киритгани буни яққол тасдиқлайди.

— Гулистон, том маънода, спорт ва ёшлар шаҳри, десам, айни ҳақиқат, — дейди шаҳар маданият ва спорт ишлари бўлими бош мутахассиси Равшан Раҳимов. — Ёзимиз иссиқ, қишимиз совуқ келгани сабабли, авваллари очиқ майдонларда, ҳатто, тўп ҳам тепиб бўлмасди. Шаҳримиз чўл бағрида жойлашган эмасми, бу ерда оддий чимни кўкартириш ҳам амримаҳол эди. Шу боис куз ва баҳорнинг ёғин-сочинли кунларида майдонларимиз лой бўлиб кетарди. Ҳозир-чи? Стадионларимизни кўриб, ҳавасингиз келади. Усти ёпиқ мажмуаларимизда спортнинг исталган тури билан шуғулланиш учун имконият мавжуд. Ҳадемай, шаҳарнинг бир неча ҳудудида сунъий қопламали мини-футбол майдонлари қурилиши бошлаб юборилади. Жумладан, улардан бири Аҳиллик маҳалласида бунёд этилади. Шунингдек, кўп қаватли уйлар жойлашган мавзелар ва маҳаллалардаги спорт майдончаларини реконструкция қилиш ҳамда янгиларини қуришни ҳам кўзда тутганмиз.

Қатъий мақсад — юксак марралар пойдевори. Қолаверса, сўнгги йилларда Гулистон шаҳрида болалар ва ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноят содир этилиши ҳолатлари кескин камайиб бораётганида ана шу спорт майдончаларининг ҳам катта таъсири бор. Бинобарин, спорт туфайли фарзандлари онгу тафаккури юксалиб бораётганини пайқаган ота-оналар ҳам бошқаларни бунга даъват этишмоқда.

— Қизим Диёра таэквондо билан шуғулланади, — дейди Дилором Исмоилова. — Яқинда у Ўзбекистон чемпионатида совринли учинчи ўринни қўлга киритди. Фарзандимнинг бу ютуғидан қанчалик қувонганимизни кўрсангиз эди... Президентимизга раҳмат. Ёшларимизга барча шарт-шароитни яратиб бераяптилар. Бу эса ҳозирданоқ ўз мевасини бераётир. Яъни Ўзбекистон чемпионлар юртига айланиб бормоқда.

Ҳақ гап. Имконият бор жойда, ютуқлар мўл, натижалар эса салмоқли бўлади. Шу нуқтаи назардан қараганда, бугун тобора кўркам қиёфа касб этиб бораётган Гулистон шаҳри яқин келажакда нафақат Сирдарё вилоятининг маркази, балки чемпионлар шаҳри сифатида ҳам жаҳон аҳлининг эътиборига тушса, ажаб эмас.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ.**

# АКАДЕМИК ҲОЖИ-АКБАР РАҲМОНҚУЛОВ



Ўзбекистон илм-фани оғир жудоликка учради. Ҳуқуқшунослик соҳасидаги йирик олим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги Ҳожи-Акбар Раҳмонқулов 88 ёшида вафот этди.

Ҳ. Раҳмонқулов 1925 йили туғилди. 1950 йили Тошкент юридик институтини тугатиб, иш фаолиятини Ўзбекистон Адлия вазирлиги бошқармасида катта ревизор сифатида бошлади. 1957-1960 йилларда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Фалсафа ва ҳуқуқ институти аспирантурасида таҳсил олди. Дастлаб номзодлик, сўнгра докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 2000 йили Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги этиб сайланди.

Ўзининг қарийб 55 йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида Фанлар академиясининг Фалсафа ва ҳуқуқ институтида кичик илмий ходим, бўлим мудири, институт директори, Тошкент юридик институтида кафедра мудири, профессор лавозимларида самарали меҳнат қилди, юртимизда малакали ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшди.

Таниқли олимнинг Ўзбекистонда миллий қонунчиликни такомиллаштириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг самарадорлигини ошириш, мулкий муносабатлар ва хўжалик юритиш ишларини ҳуқуқий тартибга солиш каби долзарб масалаларга, ҳуқуқшунослик фанининг назарий ва амалий муаммоларига бағишланган илмий тадқиқотлари, кўплаб мақола ва рисолалари кенг жамоатчиликка яхши маълум.

Заҳматкаш олим ўз фаолияти давомида жонкуяр устоз сифатида ёшларга илм-фан сирларидан сабоқ берди. Унинг бевосита раҳбарлигида ўнлаб фан номзодлари ва докторлари тайёрланди.

Академик Ҳ. Раҳмонқуловнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У "Ўзбекистон Республикаси фан арбоби" фахрий унвони, "Жасорат" медали билан мукофотланган эди.

Таниқли олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Ҳожи-Акбар Раҳмонқуловнинг хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**И. КАРИМОВ, И. СОБИРОВ, Д. ТОШМУҲАМЕДОВА, Ш. МИРЗИЁЕВ, Ш. СОЛИҲОВ**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР

# Изланиш ва самара

*Билим олиш, ўқиб-ўрганишнинг ўзига яраша машаққатлари борки, халқимиз бу жараённи бежиз игна билан қудуқ қазишга қиёсламайди. Илм-фан йўналишлари орасида шундай ўхшатиш, айниқса, математика учун жуда жоиздир. Фикримизни асослаш учун бир мисол келтирсак: яхши биласиз, Ер юзидаги мавжуд барча фанлар олий таълим даргоҳида энг аввалидан, яъни "алифбеси"дан бошлаб ўқитилади, биргина математика қуйи таълим босқичларида келган жойидан — олий математика фанлари билан давом эттирилади. Шунинг учун ҳам бунда "игна билан чуқуррoқ қудуқ қазилади", ушбу "қудуқдан топилган" илм дурлари эса башариятнинг илм хазинасидан мустаҳкам ўрин эгаллайди.*

Буюк аждодимиз Муҳаммад Хоразмий жорий қилган ҳисоблаш алгоритмлари, қадимги юнон математиклари ихтиро қилган геометрия теоремалари, Европа олимлари ишлаб чиққан математик таҳлил усуллари бунинг намуналаридир.

Дарвоқе, XVIII асрда И. Ньютон билан В. Лейбниц яратган дифференциал ва интеграл ҳисоб "кўҳна қитъа"да техника тараққиётига асос бўлган. Бунгача математикада оддий сонлар устидаги амаллар қўлланилган бўлса, янги ҳисоб ўзгарувчи катталиклар ва улар ўртасидаги боғланиш — функцияларни ҳар томонлама таҳлил қилиш имконини берган. Бино ва иншоотлар қурилишида мазкур тушунчага у қадар эҳтиёж туғилмаган, аммо ҳаракатланувчи машиналарни лойиҳалаш, динамик жараёнларни ўрганиш функция тушунчаларисиз мумкин бўлмаган.

XIX асрда математиклар сонларнинг анча умумий, муҳими, ҳақиқий сонларга қараганда маълум маънода мукаммаллик хоссасига эга тоифасини — комплекс сонларни ихтиро қилдилар. Даставвал, улар математиканинг ўзидагина татбиқ қилинди — ўта мураккаб муаммоларни ечишни осонлаштирди. Масалан, ёш немис математиги К. Ф. Гаусс комплекс сонлар ёрдамида қадимги Юнонистон давридан очиқ қолиб келган геометрия муаммоси — мунтазам кўпбурчаклар ясаш масаласини ҳал қилишга муваффақ бўлди. XX аср бошларида суюқлик ва газ оқимини айнан комплекс функциялар воситасида текшириш қулайлиги аниқланди. Натижада Н. Е. Жуковский самолётлар қанотининг кўтариш ва винтнинг тортиш кучини комплекс функциялар ёрдамида ҳисоблашга муваффақ бўлди ҳамда бу учувчи аппаратларни саноат асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга замин яратди.

Кейинчалик электр, магнит, гравитация каби таъсир майдони ҳосил қилувчи объектларни ўрганишда асосий қурол бўлган потенциаллар усули айнан комплекс функциялар билан ифодаланиши маълум бўлди. Натижада бу назария гидромеханикада, геофизик қидирув ишларида, жумладан, ер ости фойдали қазилмаларининг захирасини ҳисоблашда татбиқ қилина бошланди. Мумтоз потенциаллар назарияси жаҳоннинг кўплаб илмий марказлари, йирик математикларнинг саъй-ҳаракатлари билан ўтган асрнинг ўрталарида тўла шаклланди.

Шундан сўнг математиклар янада юқорироқ натижаларга эришиш илинжида бир неча комплекс ўзгарувчилар ўртасида боғлиқликни ифодаловчи (қисқача плюригармоник) функцияларни текширишга ўтишди. Бироқ бундай функциялар фазоси ўта тор бўлиб чиқди ва бу соҳа боши берк кўчага кириб қолди. Шу даврда ўзбек математикларидан А. Садуллаев (ҳозир Ўзбекистон Фанлар академиясининг аъзоси) ана шундай функцияларни ўз ичига оладиган, аммо беқиёс даражада кенг бўлган функциялар синфи билан ишлай бошлади. Бу изланиш математиканинг турли соҳалари, айниқса, физикада муҳим татбиқларга эга бўлган потенциаллар назариясида янги йўналишни яратишга олиб келди.

А. Садуллаев ушбу йўналиш ривожига энг кўп ҳисса қўшган олимлардан бири сифатида эътироф этилади. Унинг энг нуфузли хорижий илмий журналларда чоп қилинган натижалари, монографик мақолалари янги назариянинг яратилишида ҳал қилувчи ўрин эгаллади, чет эллик олимларнинг монографиялари ва ўқув қўлланмаларидан жой олди. Бугун бу йўналиш "Плюрипотенциаллар назарияси" деган ном билан математика фанидан жой олган ва дунёнинг йирик илмий марказларида татбиқ этилмоқда. Ҳеч шубҳасиз, мазкур назария математиканинг истиқболли йўналишларидан бири бўлиб, жадал ривожланишда давом этмоқда, унинг янгидан-янги татбиқлари топилмоқда. Шуни қониқиш билан қайд этиш жоизки, А. Садуллаев назарияси жаҳондаги йирик математик илмий марказлар: Индиана (АҚШ), Париж ва Тулуза (Франция), Стокгольм (Швеция), Ягеллон (Польша) университетлари, Россия Фанлар академияси Математика институти олимлари томонидан эътироф этилган. Масалан, 2011 йилда Европа математиклар жамияти томонидан нашр этилган М. Ярницки билан П. Пфлюгнинг "Ажралган аналитик функциялар" китобида баён қилинган натижаларнинг талай қисми плюрипотенциаллар усули билан олинган, унинг дастлабки икки боби, асосан, А. Садуллаевнинг ишларидан ташкил топган, жумладан, Садуллаев-Чирка теоремаси, Тўйчиев (А. Садуллаевнинг шогирди) теоремасига алоҳида бўлимлар ажратилган. Америкалик олимлар Даувей Ма ва Тежиндер Нилон "Формал қаторларнинг яқинлашиш соҳалари" мақоласида эса шундай эътироф сўзлари келтирилган: "Қуйидаги теорема Садуллаевга тегишли. Ҳали чоп қилинмаган қўлёзмасидаги натижани тақдим қилгани учун биз унга миннатдорлик билдирамиз ва мақоламизда бу теоремадан фойдаланганлигимиз учун унинг тўлиқ исботини берамиз".

Плюрипотенциаллар назарияси мамлакатимиз илмий марказларида ҳам ўрганилмоқда. Иқтидорли ёш математикларни жалб этиш мақсадида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Самарқанд, Урганч ва Қорақапоғистон давлат университетларида махсус курслар ўқитилиб, илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Бу назария асослари биринчи бўлиб А. Садуллаевнинг Германиянинг Palmarium Academic Publishing нашриётида 2012 йилда чоп қилинган "Плюрипотенциаллар назарияси. Қўлланиши" монографиясида изчил баён қилинди. Монография Фан ва техника соҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотига тавсия қилинди. Ўзбек фанининг мавқеини хорижий мамлакатларда янада юксалтиришга хизмат қила бошлаган бу рисола Давлат мукофотига лойиқ тадқиқотлардан бири, деб ҳисоблаймиз.

**Ш. ФАРМОНОВ,**
**академик,**
**А. АЪЗАМОВ,**
**профессор.**

# Сунъий ёмғир

## мўл ҳосил етиштиришда қўл келади

*Қамаши туманидаги "Агро восток" масъулияти чекланган жамиятида экинларни парваришлашнинг янги усули синовдан ўтказилди. Унга кўра, иссиқхоналарда табиий намлик муҳитини ҳосил қилиш, яъни сунъий ёмғир ёғдириш амалиёти орқали юқори ҳосилдорликка эришиш мумкинлиги исботланди.*

### ТАЖРИБА

— Томчилатиб суғоришнинг бу усули ёпиқ шароитдаги экин майдонларида яхши самара беради, — дейди жамият раҳбари Фазлиддин Эсонов. — Шуни инобатга олиб, илғор технология асосида иссиқхонамизга 1650 туп лимон кўчати ўтқаздик. Ниҳоллар ҳали ёш бўлгани сабабли, ердан унумли фойдаланиш мақсадида ҳозир бу майдонда помидор, бақлажон ва булғор қалампирини ҳам парваришлаяпмиз. Сунъий ёмғир ёғдириш орқали ана шу ўсимликларнинг нафақат илдизи, балки баргларини ҳам тежамкорлик асосида суғориш имконини беради. Бундан ташқари, ўтган йили банкнинг 1,5 миллиард сўмлик кредити эвазига 6 гектар майдонда барпо этилган токзорлардаги кўчатларимиз ҳам томчилатиб суғориш технологияси асосида баравж ривожланмоқда.

Таъкидлаш жоизки, томчилатиб суғориш технологияси сув танқчиллиги сезиладиган Қашқадарё вилояти шароитида жуда қўл келади. Шу боис маҳаллий фермерлар бунга катта қизиқиш билдиришаяпти. Қолаверса, янги усул асбоб-ускуналари вилоятнинг ўзида, "Шўртан газ-кимё" мажмуасига қарашли "Термопласт" заводида тайёрланаяпти. Айни пайтда уларни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига кенг жорий этиш мақсадида 2020 йилга қадар томчилатиб суғориладиган майдонларни 6709 гектарга етказиш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқилиб, босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

● Реклама ва эълонлар ●

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси**

***(кейинги ўринларда — Суд департаменти)***

**суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаш юзасидан ўтказиладиган танловда қатнашиш истагидаги савдо ташкилотлари (юридик шахслар)ни очиқ танловга таклиф этади.**

**1. Умумий шартлар**

Танлов ташкилотчиси — Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси.

Очиқ танловга суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкни (кўчмас мулк ва автомототранспорт воситаларидан ташқари) сотиш билан боғлиқ хизмат кўрсатиш қўйилади.

Ўтказилаётган танловнинг мақсади — суд ҳужжатлари ва бошқа орган ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаб олиш.

Танлов ўтказиш комиссияси (кейинги ўринларда комиссия) томонидан танловда қатнашиш учун берилган ариза ва ҳужжатларни кўриб чиқиш Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси биноси (Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 95-уй)да 2013 йил 18 июлдан бошлаб ҳар куни соат 10.00 дан 17.00 га қадар амалга оширилади:

- Олмазор, Шайхонтоҳур, Юнусобод туманлари ҳудудлари бўйича 2013 йил 21 августда;
- Ҳамза, Миробод, Бектемир, Мирзо Улуғбек туманлари ҳудудлари бўйича 2013 йил 22 августда;
- Сергели, Яккасарой, Чилонзор, Учтепа туманлари ҳудудлари бўйича 2013 йил 23 августда танлов ўтказилиб, ғолиблар аниқланади.

**2. Танлов шартлари ва танлов ғолибларини аниқлаш мезонлари**

Танловда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган, турғун савдо шохобчаси ва назорат-касса машинаси мавжуд юридик шахслар қатнашишлари мумкин.

***Қуйидаги юридик шахслар танловда қатнашишга қўйилмайдилар:***

*— қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкрот арафасида бўлган;*
*— олти ойдан кам муддат давомида фаолият юритаётган;*
*— охирги 2 йил ичида ижро ҳужжатлари асосида хатланган мол-мулкни сотиш юзасидан тузилган шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлиги сабабли шартнома бекор қилинган.*

***Танловда ғолиб чиқишнинг асосий мезонлари:***

*— истеъмолчи учун жойлашган жойнинг қулайлиги, вилоят ва туман (шаҳар) марказлари, бозорлар ва ҳоказоларга яқинлиги;*
*— мол-мулкларнинг сақланишини, туркумланишини, навларга ажратилишини ва бутлигини таъминловчи жой (ускуна)ларнинг мавжудлиги;*
*— мажбуриятлардан холи бўлган пул маблағлари;*
*— мавжуд яроқли техникаси;*
*— ходимларнинг малакаси ва иш тажрибаси;*
*— кўрсатилган хизмат учун савдо чегирмасининг пастлиги.*

**3. Танловда қатнашиш учун тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар:**

*— комиссия номига ариза;*
*— давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;*
*— савдо ташкилоти таъсис ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган нусхаси;*
*— савдо ташкилотининг олдинги ҳисобот йили учун тегишли давлат идораларига берилган бухгалтерлик баланси (1 ва 2-шакллар) нусхаси;*
*— савдо ташкилотида назорат-касса машинасининг мавжудлиги тўғрисида давлат солиқ хизмати органларининг маълумотномаси;*
*— савдо дўконига бўлган мулк (ижара) ҳуқуқининг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;*
*— савдо дўконининг жойлашган манзили тўғрисида маълумот, унинг қисқача тавсифномаси ва 10х15 см. ўлчамдаги рангли фотосуратлари (жойнинг атроф кўриниши, умумий ташқи ва ички кўринишлари акс эттирилиши керак);*
*— мол-мулкларнинг сақланиши, туркумланиши, навларга ажратилиши ва бутлигини таъминловчи жой (ускуна)ларнинг қисқача тавсифномаси, шунингдек, 10х15 см. ўлчамдаги рангли фотосуратлари (жойнинг умумий ташқи ва ички кўринишлари акс эттирилади) ҳамда уларга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар;*
*— савдо ташкилоти ходимлари ва уларнинг иш тажрибаси тўғрисида маълумот;*
*— талабгорнинг мажбуриятлардан холи пул маблағлари мавжудлиги тўғрисида банк маълумотномаси;*
*— талабгорга тегишли ҳамда ижро ҳужжати бўйича мол-мулкни сотишда иштирок этиши мумкин бўлган яроқли транспорт воситаларига оид ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатлар ҳамда уларнинг техник тавсифи;*
*— кўрсатилган хизмат учун савдо чегирмаси миқдори тўғрисида таклиф (10 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда).*

Юқорида белгиланган ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши ва мазмуни Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик талабларига жавоб бериши лозим.

**4. Талабгорлар томонидан тақдим этилган ариза ва ҳужжатларни қабул қилиш тартиби**

Ариза ва ҳужжатларни қабул қилиш ҳудудлар бўйича ўтказиладиган танловдан 5 кун олдин тўхтатилади, ариза ва ҳужжатлар Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси биносида —

**Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 95-уй.**
**Тел.: (8-371) 235-94-67, 235-54-92**

Комиссия ишчи органи — ҳудудий бошқарманинг статистика ва таҳлил бўйича сектори (инспектори) томонидан қабул қилинади.

*Аризага илова қилинган ҳужжатлар шахсан, курьер ёки алоқа бўлими орқали ёпилган конверт билан мазкур эълонда кўрсатилган манзилга «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаш бўйича танлов»га деган белги билан юборилиши керак.*

Алоқа бўлими орқали юборилган ҳужжатлар ишчи орган уларни рўйхатдан ўтказган кундан бошлаб келиб тушган ҳисобланади.

Белгиланган муддатда тақдим этилмаган ёки мазкур эълоннинг 2-банди, 2-хатбошисида назарда тутилган ҳолатлардан ташқари танловга тақдим этилган ҳужжатлар қайтарилмайди.

1145R/633

# Мумтоз қўшиқлар жозибаси

*Мумтоз қўшиқчилик санъатимизнинг нодир намуналарини тарғиб қилиш, бадиий жамоалар ва ҳаваскор ёшларнинг анъанавий ижрочилик йўналишидаги маҳоратини оширишда "Мақом жамоалари ва катта ашула ижрочилари" кўрик-танлови муҳим ўрин тутади.*

### ТАНЛОВ

Яқинда Ўрта Чирчиқ туманидаги Маънавият ва маърифат марказида мазкур танловнинг Тошкент вилояти босқичи якунига етди. Унда воҳанинг 18 та туман ва шаҳарларидан ташриф буюрган 6 та мақом жамоаси ҳамда 46 нафар яккахон ижрочи жонли ижрода ўз маҳоратини намойиш этди. Бадиий жамоалар орасида Бўка туманидаги "Дугоҳ" халқ мақом ансамбли ғолиб деб топилган бўлса, яккахон ижрочилар ўртасида биринчилик Олмалиқ шаҳар маданият уйи хонандаси Искандар Хўжаевга насиб этди.

Ғолиблар энди танловнинг республика босқичида иштирок этадилар.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**ВИРИН ХСК**

**КЎСАК ҚУРТИГА ҚАРШИ САМАРАЛИ БИОЛОГИК ҲИМОЯ ВОСИТАСИ**

Инсон ҳаёти, атроф-муҳит, фойдали ҳашаротлар ва ўсимлик чанглатувчиларга мутлақо зарарсиз.

ВИ Р И Н ХСК — ғўза, маккажўхори ва бошқа экинлардаги кўсак қуртига қарши 7-10 кун ичида ўз самарасини кўрсатади ва ушбу препарат ишлатилган далаларда 1-2 йил давомида ўз таъсирини сақлайди.

«Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида қўллашга рухсат берилган пестицидлар ва агрохимикатлар рўйхати»га самарали биологик восита сифатида киритилган.

**Манзил:**
**Тошкент ш., Бодомзор йўли к., 37-уй.**
**Тел.: (+99890) 920-32-99,**
**(+99894) 160-27-24.**

*МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН*

1159R/690

**ЁАЖ шаклидаги «Ўзбек Лизинг Интернешнл А.О.» ҚК лизинг компанияси**

**тошни майдалаб-сараловчи ускуна сотилиши**

***ҳақида эълон қилади.***



**Ускуна шокли майдаловчи, конусли майдаловчи, вертикал валли зарбли майдаловчи, ғалвир машинаси, қумювгич ҳамда транспортёрдан иборат. Қуввати соатига — 100 тонна. Ускуна Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган.**

**Тўлиқ маълумот олиш учун бизнинг офисга мурожаат қилишингиз мумкин.**
**Тел: (+99871) 120-02-02.**
**Масъул шахс:** ***Холтўраев Суҳроб.***

1122R/668

*Корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!*

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ**

**қуйидагиларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича танлов эълон қилади:**

**кийим ёқалари тайёрлаш учун сунъий мўйна ва яшил рангли астарбоп мато.**

**Манзил: 100070, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй.**

*Талабгорлардан тендер савдоларида қатнашиш учун тижорат таклифлари эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кун давомида қабул қилинади.*

**Маълумот олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 19.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 255-75-12, 281-43-72, 281-46-71. Факс: 8 10 998 (371) 281-43-73.**

1084R/654

Реклама ўрнида

*Энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Истиқлолимизнинг 22 йиллик шодиёналари нишонланадиган кунлар тобора яқинлашмоқда. Ҳозир қаерга борманг, қизғин тараддуднинг устидан чиқасиз: янги йўллар, кўприклар, маданий-маиший иншоотлар, тураржой бинолари қад ростлаяпти, боғу роғлар, кўчаю хиёбонларга анвойи гуллар экилаяпти, қисқаси, юртни янада обод қилиш йўлида улкан ишлар амалга оширилаётир. Бу мустақиллик берган буюк неъмат — тинч ва фаровон ҳаётнинг одамларимиз онгу шуурига олиб кирган бунёдкорлик хислатларининг амалдаги кўринишидир.*



# ЮРТ ОБОДЛИГИ, АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ

## «Микрокредитбанк» фаолиятининг муҳим мезонига айланган

**Б**угун юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, мазкур соҳа вакиллари учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш борасида ҳаётга татбиқ этилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар ўзининг ёрқин самарасини бераётир. Тадбиркорларимиз мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ижросига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишмоқда, янги истиқболли лойиҳаларга дадил қўл уришмоқда.

Бу ютуқларда "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банкининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Давлатимиз раҳбари ташаббуси ва 2006 йил 5 майдаги Фармони асосида иш бошлаган мазкур банк зиммасига иқтисодиётимизнинг реал тармоғи бўлган кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш бош мезон қилиб белгиланган.

Ўтган қисқа давр мобайнида банк республикамиз микромолиялаш тизимининг асосий бўғини сифатида шаклланди, барқарор ва ишончли молия муассасаси сифатида юртдошларимизнинг тўла ишончини қозонди. У фаолият кўламини, энг аввало, мамлакатимизнинг чекка туманлари, олис қишлоқ ва овуллари аҳолисини барча турдаги банк хизматлари билан қўллаб-қувватлашга қаратди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда банкнинг иштирокини янада кенгайтириш мақсадида 2008 йилнинг 10 ноябрида Президентимизнинг "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Бу ҳужжат банкнинг амалий вазифалари доирасини кенгайтириш баробарида, тадбиркорлик учун катта имтиёзлар яратди. Яъни банкнинг капиталлашув даражаси янада оширилди, устав жамғармаси кўпайтирилиб, микросармояларнинг фоизлари камайтирилди. Натижада банкнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерликни ривожлантириш, оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш, айниқса, қишлоқ жойларда аҳоли кенг қатламларининг микромолиявий хизматлардан баҳраманд бўлишини таъминлаш борасидаги имкониятлари ошди.

Ўз фаолиятларини жадал ривожлантираётган тадбиркорлик субъектларининг хом ашё ва материалларни қайта ишлаш учун харид қилиш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш, ички бозорни республикамизда тайёрланган товарлар билан бойитишга хизмат қиладиган шарт-шароитлар кенгайди. Бундай чора-тадбирлар қўшимча иш ўринларини яратиш, аҳоли даромадларини оширишнинг муҳим асосларидан биридир. Шунингдек, тадбиркорлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида ўз айланма маблағларини тўлдириши учун имтиёзли кредит маблағларидан фойдаланишлари, корхоналарини техник ҳамда технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаши ва модернизация қилиши учун кўплаб қулайликлар яратилди. Банк ўтган йили ажратган микросармоялар ҳажмининг ошганлиги микромолиялаш ташкилотининг ўз мижозларини топа бораётганидан далолат беради. Қолаверса, чорва моллари, уй паррандалари, уруғлик ва кўчатлар сотиб олиш, ҳатто, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, суғориш, тупроққа ишлов беришнинг замонавий технологияларини жорий этишгача бўлган кенг доирадаги эҳтиёжлар учун микрокредитлар ажратгани ҳам банкнинг мижозлар билан ҳамкорликни ривожлантираётганини кўрсатади.

"Микрокредитбанк" "Обод турмуш йили" Давлат дастурида белгилаб берилган устувор йўналишлар ижросини таъминлаш борасида ҳам изчил фаолият олиб бормоқда.

Жорий йилнинг ўтган ойлари давомида банк томонидан республика миқёсида ажратиладиган микрокредитлар миқдорини 243,5 млрд. сўмга етказиш ва мазкур кредитлар ҳисобидан мамлакатимизда 106 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилган бўлса, шу йил 1 июль ҳолатига кўра, соҳа ривожига йўналтирилган микромолиявий хизматлар ҳажми 125,4 млрд. сўмликни ташкил этди. Хусусан, 26,1 млрд. сўмлик имтиёзли маблағлар бошланғич сармояни шакллантириш учун берилди. Муҳими, мазкур кредитлар ҳисобига 55 мингдан зиёд иш ўринлари вужудга келди.



### Хўжайлида янги филиал

Мазкур молия муассасаси таъкидланганидек, устувор вазифа сифатида юртимизнинг чекка туманлари, олис қишлоқ ва овуллари аҳолисини барча турдаги банк хизматлари билан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Айни пайтда унинг 84 филиали, 188 та минибанки ва кўплаб агентликлари турли мулкчилик шаклидаги хўжалик субъектлари ва жисмоний шахсларга банк хизматларини кўрсатаётир.

Яқинда Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли туманида "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банкининг янги филиали очилишига бағишланган маросим бўлиб ўтди. Мустақиллик байрами арафасида унинг иш бошлагани туман аҳли, айниқса, тадбиркорлар учун ниҳоятда қувончли воқеа бўлди.

Тадбирда жамоатчилик вакиллари, маҳалла фаоллари, тадбиркорлар, шунингдек, касб-ҳунар коллежини битирган бир гуруҳ ёшлар сўзга чиқиб, янги филиал туман аҳолиси учун нечоғлиқ кенг имкониятлар очиб бергани, келгусида ушбу муассаса юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони янада кўпайишига хизмат қилишини қайд этдилар.

Шу кунларда Қорақалпоғистон Республикасида банкнинг 5 та филиали ва 18 та минибанки фаолият юритаётган бўлса, энди филиаллар сони яна биттага ошди. Ўтган ярим йиллик мобайнида бу ердаги тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун банк томонидан 16,6 млрд. сўмлик миқдорида кредитлар ажратилди. Унинг қарийб 9 млрд. сўмлиги имтиёзли микрокредитлар ҳиссасига тўғри келади. Пировардида ҳудудда 3500 дан зиёд иш ўринлари ташкил этилди. Шунингдек, аёллар тадбиркорлиги учун 1,3 млрд. сўм, касб-ҳунар коллежи битирувчилари учун 460 млн. сўм миқдорида кредит маблағлари йўналтирилди.

Тадбир давомида ёш тадбиркорларнинг банк кредитлари эвазига ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган маҳсулотлар кўргазмаси ҳам намойиш этилди. Пухта бизнес-режасига эга бўлган ёш тадбиркорларга "Микрокредитбанк" томонидан имтиёзли сармоя олишлари учун сертификатлар топширилди.



### Ёш тадбиркорларга мададкор

Пойтахтимизда бўлиб ўтган анъанавий "BankExpo — 2013" кўргазмасида "Микрокредитбанк" жамоаси фаол қатнашди. Тадбир доирасида ўтказилган танлов натижаларига кўра, "Таълим муассасалари битирувчиларини қўллаб-қувватловчи энг яхши банк", дея эътироф этилди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда банк меҳнат бозорига кириб келаётган ёшлар, жумладан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича самарали фаолият олиб бормоқда. Бу йўналишда белгиланган прогноз кўрсаткичлари ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,3 баробар оширилгани шундан далолатдир.

Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги юқори технологияли ва инновацион лойиҳаларни, узоқ ва бориш қийин бўлган туманларда жойлашган ишлаб чиқариш микрофирмаларини, кичик корхоналарни, деҳқон ва фермер хўжаликлари лойиҳаларини ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлашга қаратилган лойиҳаларни янада рағбатлантириш мақсадида ёш тадбиркорларга 11,9 млрд. сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди. Бунинг самараси ўлароқ, 4 минг нафардан зиёд йигит-қизлар ўз иш ўринларига эга бўлди.

Вилоятлар ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармалари билан ҳамкорликда "Банк ва коллеж ҳамкорлиги", "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан биргаликда эса "Ёш тадбиркор — юртга мададкор", "Менинг бизнес ғоям" лойиҳалари амалга оширилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

### Кичик корхонага — замонавий ускуналар

Одатда мижозлар ўз фаолиятларини бошланғич сармоя олиш билан бошлайдилар. Банк уларнинг ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши, кенгайтириши ва саноат корхонаси мақомига кўтаришларига қадар молиявий жиҳатдан кўмакдош бўлади.

Зангиота туманидаги "Бах жаҳон агро" фермер хўжалигига банк томонидан 41,5 миллион сўмлик микросармоя хизматлар кўрсатилганидан кейин бу ерда қуритилган мева ва сабзавотлар тайёрлана бошланди. Ихчам ва чиройли идишларда сотувга чиқарилаётган бундай олма, сабзи, пиёз ва карам маҳсулотларига эндиликда қўшни мамлакатлардан ҳам буюртмалар тушаяпти.

— Банк ёрдами туфайли олган замонавий ускуналаримиз олмани артади, қуритади, қадоқлайди, — дейди корхона раҳбари Жаҳонгир Йўлчиев. — Ҳозирги кунда корхонамиз бозорга олти хил сифатли маҳсулот етказиб бермоқда. Ушбу лойиҳа туфайли 10 та иш ўрни очилди.

Асакалик тадбиркор Баҳодиржон Парпиев ҳам кўп тармоқли савдо ва ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этиб, "Микрокредитбанк" билан у фаолият бошлаган йилларданоқ ҳамкорлик қилиб келаяпти. Бу ерда тайёрланган коржомалар, бадиий безаклар асосида зийнатланган ғилофлар ва бошқа иш кийимлари кўпчиликка манзур бўлмоқда. Банк яқинда 55 миллион сўм миқдорида микросармоя маблағини ажратгач, тадбиркор замонавий тикув машиналари харид қилди. Корхонада тайёрланган кийимлар сифат жиҳатидан ҳам, сон жиҳатидан ҳам юқори савияга кўтарилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Чунончи, банкнинг ишончли ҳамкорларидан Тошкентдаги "Мезон пласт" хусусий корхонаси саноат учун ғоят зарур бўлган турли ҳажмдаги полиэтилен қоплар, Қўқондаги "Қаюм-керамика" корхонасида сифатли том ёпиш ашёлари ва керамика идишлар, "Битхимфергана" корхонасида экологик тоза шампунлар ва бошқа кир ювиш воситалари ишлаб чиқарилмоқда.

### Мустаҳкам ҳамкорлик меваси

"Микрокредитбанк" аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, хотин-қизларнинг иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги фаолиятини муносиб рағбатлантириш, рўзғордаги ишларини енгиллаштириш учун қулай ижтимоий-маиший шароитлар яратиш жараёнида ҳам фаол иштирок этиб, бой тажриба тўплаган.

Хусусан, ушбу вазифалар ижроси юзасидан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва республика "Маҳалла" хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда семинарлар ташкил этиш мақсадида қўшма қарор имзоланган. Бугунгача ушбу лойиҳа доирасида 28 та тоғли, чегара ҳамда меҳнат ресурслари ортиқча бўлган туманлардаги қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудларида шундай тадбирлар ташкил этилди. Жорий йилнинг ўтган ойларида 11 вилоятнинг 24 та туманидаги 67 та аҳоли яшаш пунктида (ҚФЙ) семинарлар ўтказилди.

Булардан ташқари, Германия жамғарма кассалари фондининг аёл тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш лойиҳалари бўйича Навоий, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида ишбилармон хотин-қизларга хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш, паррандачилик, чорвачилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш мақсадлари учун 815,8 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Банк "Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди" билан ҳамкорликда "Оила фаровонлигини таъминлаш учун аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш" лойиҳасини ҳам амалга оширмоқда. Жумладан, фермер ва тадбиркор аёлларнинг бизнес малакалари ҳамда молиявий саводхонлигини юксалтириш бўйича мазкур Фонд билан ҳамкорликда тренинглар ташкил этиш режаси ишлаб чиқилган. Унга кўра, жорий йил охиригача 5 минг нафар тадбиркор аёл 27,5 млрд. сўм миқдоридаги имтиёзли микрокредитлар билан таъминланади.

Обод турмуш йилида, шунингдек, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, БМТнинг UNWOMEN тузилмаси ҳамкорлигида "Микрокредитбанк" кўмагида "Ўзбекистон аёлларининг иқтисодий ҳуқуқларини ҳаётга кенг татбиқ этиш" лойиҳаси доирасида гуруҳ кафиллиги асосида имтиёзли бошланғич сармоя микрокредитлари ажратиш лойиҳасининг 2-босқичини амалга оширишга киришилди. Ушбу лойиҳа қўлида ҳунари бўлган, ўзи маблағ топишни истаётган аёлларни бирлаштиради, уларнинг иқтисодий саводхонлигини оширади, маблағ жамғаришни ўргатади. Банк мутахассислари томонидан шу мақсадда жорий йилнинг ўтган ойлари давомида Қонликўл, Қарши, Тошлоқ, Фориш, Мирзаобод, Юқори Чирчиқ туманларида ўзаро ёрдам гуруҳларининг билим даражаси ва салоҳиятини оширишга қаратилган семинар-тренинглар уюштирилди.

Гуруҳларга жалб этилган 500 дан ортиқ аёллар ўзаро ёрдам гуруҳларига бирлашдилар. Кредит олиш учун зарурий таъминотга эга бўлмаган аёлларга эса жорий йилнинг апрель-май ойлари давомида ўзаро гуруҳ аъзолари кафиллиги асосида имтиёзли бошланғич сармоялардан фойдаланиш имкониятлари яратиб берилди.

Айни пайтда кўрсатилаётган микромолиявий хизматлар доирасини янада кенгайтириш учун Халқаро тараққиёт уюшмаси, Жаҳон банки, БМТ Тараққиёт Дастурининг лойиҳаси ҳамда Германия жамғарма кассаларининг тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш лойиҳалари ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Шу ўринда айтиш керакки, бундан буён ҳам банк фаолиятига бир қатор хорижий молия ташкилотлари, жумладан, "Fitch Ratings" компанияси халқаро қабул қилинган мезонларга мувофиқ, ижобий баҳо бериб келмоқда. Мазкур рейтинг компанияси жорий йил февраль ойида банкнинг "B" — "Барқарор" рейтингини қайта тасдиқлади. Шунингдек, банк фаолиятининг Молиявий ҳисоботлари халқаро стандартларига мувофиқ ташкил этилиши "Deloitte and Touche" халқаро аудиторлик компанияси текширувида ижобий баҳога сазовор бўлди.

Бутунжаҳон микромолиявий ташкилотларининг ахборот алмашинуви бўйича "MIX-MARKET" агентлигининг 2012 йилдаги рэнкингига кўра эса, "Микрокредитбанк" микромолиявий хизматлар кўрсатишда юқори шаффофликни таъминловчи ҳамда 5 олмосли микромолиявий хизматлар кўрсатувчи банк сифатида қайта эътироф этилди.

**И**қтисодий тараққиёт ҳар бир мамлакатнинг кучқудратини, шу ерда яшаётган оилаларнинг фаровонлигини ва юртнинг осойишталигини таъминлайдиган асосий омилдир. "Микрокредитбанк" кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлар экан, катта имкон яратадиган микрокредитлари билан ҳар бир хонадонга янада чуқурроқ кириб бораверади.

**Банк матбуот хизмати.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 754. 78 125 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — F. Шералиев.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.15 Топширилди — 22.10 1 2 3 4 5